

МИНТАҚАДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Қўзибоев Бехзод Ҳамидович,
УрДУ ассистенти

E-mail: ursu_economics_behzod@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада минтақа иқтисодиётини ривожлантиришда транспорт хизматларининг роли ёритиб берилган. Шунингдек, минтақада транспорт хизматларининг ривожланиш даражаси таҳлил қилиниб, уни самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар берилган.

Аннотация: В статье освещена роль транспортных услуг в экономическом развитии региона. Также проанализирован уровень развития транспортных услуг в регионе и представлены рекомендации по его эффективности.

Abstract: The article shows the role of transport services in the economic development of the region. And also the level of development of transport services in the region has also been analyzed and recommendations on its effectiveness has been given.

Калим сўзлар: Минтақа, транспорт хизматлари, юк ва йўловчи айланмаси, юк ва йўловчи ташиши.

Кириш

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳоли фаровонлигини ошириш учун минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш соҳасини кенг тараққий этиш орқали эришиш мумкин.

Ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши ялпи ички маҳсулотнинг 70-80 фоизини ташкил этади [3]. Ўзбекистонда эса хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 61 фоизни ташкил этмоқда [8].

Хизматлар соҳасини ривожлантиришга республикада катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида хизмат кўрсатиш соҳаси улушини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган [6].

Хизматлар соҳасини ривожлантиришда транспорт хизматлари муҳим ўрин тутди. Чунки аҳолининг демографик кўпайиши ва шаҳар худудларининг кенгайтирилиши аҳолининг транспорт қатновини тўғри ташкил этишни тақозо қилиб қўяди.

Транспорт тузилмаси халқаро ташкилотлари ва Жаҳон банки маълумотларига кўра, жаҳон транспорт хизматлари бозорининг дунё мамлакатлари ЯИМ таркибидаги улуши 4,2 трлн. АҚШ доллари ёки 6,8 фоизни ташкил этиб, йилига 110 млрд. тонна юк ва 1 трлн. нафардан ортиқ йўловчи

ташилади. Транспорт хизматлари соҳасида банд бўлган ходимлар сони эса 100 млн. кишини ташкил этади [10].

Ўзбекистон Республикасида ҳам транспорт хизматларининг тури ҳамда сифатини ошириш бўйича бир қанча ишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Республикада жадал суръатлар билан замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ташкил қилинмоқда. Жумладан, Қамчиқ довонидан ўтадиган, ноёб тоғ туннелини ўз ичига олган Ангрен-Поп темир йўл тармоғи, Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилди. Тошкентдан Самарқанд, Қарши ва Бухорога йўловчи ташийдиган юқори тезликдаги темир йўл қатнови очилди. Халқаро аэропортлар модернизация қилинди, Навоий аэропорти негизида халқаро логистика маркази ташкил қилинди ва Ўзбекистон миллий автомагистрالی барпо этилди” [1].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлилі

Хизматлар соҳасининг иқтисодий ривожланишини моделлаштириш ҳамда прогнозлаш бўйича Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан И.С.Абдуллаев тадқиқотлар олиб борган. Хусусан, олим ўз тадқиқотларида Хоразм вилояти хизматлар соҳасининг йиллик ўсиш суръатлари 2020 йилгача ўртача 12 фоиздан ташкил қилишини таъкидлаб ўтган [4].

Яна бир иқтисодчи олим М.Н.Ирисбекова эса ўз тадқиқотларида маркетинг тамойиллари асосида транспорт хизматлари бозорини оптималлаштириш масалаларига эътибор қаратган ҳамда транспорт хизматларига қуйидагича таъриф беради: “Хизмат кўрсатиш соҳасининг анъанавий таркибий қисмларидан бири – «транспорт хизматлари» иқтисодий категория бўлиб, у ўз таркибига барча турдаги юк ва йўловчилар ташувини ва бу жараёнга мувофиқ келувчи ёки ёрдам берувчи операцияларни қамраб олади” [5].

Фикримизча, транспорт хизматлари – хаво йўлларидаги, қуруқликдаги ва сувдаги барча йўловчи ва юк ташиш хизматларини қамраб олувчи мураккаб иқтисодий тизим ҳисобланади.

Албатта, юқоридаги транспорт хизматларига берилган таърифларнинг барчаси бир хил маънони англатади. Фақатгина, улар бир-бирини тўлдиради.

Транспорт хизматларини самарали ташкил этиш учун юк ва йўловчи ташишга бўлган талаб шаклланишига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш зарур.

Россиялик иқтисодчи Е.П.Володин ўз тадқиқотларида бу омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатади:

1) ижтимоий-иқтисодий омиллар – аҳолининг моддий фаровон қатламининг транспортдан фойдаланиш имкониятлари;

2) ҳудудий омиллар – шаҳар ва унинг атрофидаги ҳудудларнинг саноат, иқтисодий ва маданий-маиший аҳамияти: аҳолининг сони ва зичлиги, тортишиш объектларига нисбатан аҳолини қайта жойлаштириш;

3) ташкилий омиллар – маршрут тармоғининг зичлиги, транспорт турлари, аҳолининг вақт сарфлаши, хизмат кўрсатиш сифати;


4) табиий-иқлимий омиллар [2].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда қиёсий таҳлил, мантиқий таҳлил, тизимли таҳлил, статистик гуруҳлаш, синтез, индукция ва дедукция усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Хоразм вилояти хизматлар соҳаси таркибида транспорт хизматлари алоҳида ўрин эгаллайди ва жами хизматлардаги улуши 24,8 фоиз ҳисобланади. Шунингдек, жами хизматлар таркибида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 8,3 фоиз, компьютер дастурлаш ва маиший техникаларни таъмирлаш хизматлари 4,1 фоиз, компьютер дастурлаш ва маиший техникаларни таъмирлаш хизматлари 4,1 фоиз, молиявий хизматлар 11,1 фоиз, яшаш ва овқатланиш хизматлари 2 фоиз, савдо хизматлари 29,4 фоиз, кўчмас мулк хизматлари 4,2 фоиз, таълим хизматлари 3,7 фоиз, соғлиқни сақлаш хизматлари 1,4 фоиз, ижара хизматлари 2,7 фоиз, индивидуал хизматлар 4,7 фоиз, архитектура, муҳандислик хизматлари 0,9 фоиз ва бошқа хизматлар 2,7 фоизни ташкил қилади (1-расм).



1-расм. Хоразм вилоятида 2016 йилда хизматлар соҳаси ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби [9]

Хусусан, 2016 йилда барча транспорт турлари томонидан 57,4 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2015 йилга нисбатан 9,2 фоизга кўп бажарилган.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 1446,5 млн.тн-км. ни ташкил қилган ва 7,6 фоизга кўпайган (1-жадвал).

1-жадвал

2016 йилда Хоразм вилоятида юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича таркиби [9]

	2016 йил	2015 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	57,4	109,2
<i>шу жумладан:</i>		
<i>автомобиль транспортида</i>	57,4	109,2
Юк айланмаси, млн. тн-км	1446,5	107,6
<i>шу жумладан:</i>		
<i>автомобиль транспортида</i>	1446,5	107,6

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобиль транспортининг юк айланмаси 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 107,4 фоизга кўпайган ва 1446,5 млн. тн-км. ни ташкил қилган. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 2016 йилда 83,7 фоизни ташкил этган (2015 йилда 83,7 фоиз).

Шунингдек, 2016 йилда барча транспорт турлари томонидан 443,6 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 4,8 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 6,5 фоизга кўпайиб, 4931,9 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилган (2-жадвал).

2-жадвал

2016 йилда Хоразм вилоятида транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси таркиби [9]

	2016 йил	2015 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	443,6	104,8
<i>шу жумладан, автомобиль транспортида</i>	442,7	104,8
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	4931,9	106,5
<i>шу жумладан, автомобиль транспортида</i>	4908,8	106,5

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобиль транспортида йўловчи айланмаси 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 106,9 фоизга кўпайган ва 4164,2 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилган. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 2016 йилда 84,8 фоизни ташкил этган (2015 йилда 84,5 фоиз) [9].

Вилоятда транспорт хизматларининг ривожланиши иқтисодий ўсиш билан чамбарчас боғлиқ. Ҳисоб-китобларга кўра, Хоразм вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2030 йилга келиб, 2013 йилга нисбатан 4,5 баробар ортади. Таҳлил натижасига кўра, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 1 фоизга ортишини

таъминлаш учун, йўловчи айланмаси 1,25 фоизга, юк айланмаси эса 1 фоизга ортиши керак. Шунинг учун 2030 йилгача вилоятда йўловчи айланмаси ҳажмини 5,5 баробар, юк айланмаси ҳажмини эса 4,5 мартага ошириш лозим. Бундай натижага эришиш учун биринчи галда транспорт корхоналари сонини кескин ошириш талаб этилади (3-жадвал).

3-жадвал

Хоразм вилоятида транспорт хизматларини ривожлантириш [7]

Хизмат турлари	2030 йилгача ЯХМнинг ўсиш прогнози (марта)	ЯХМ нинг 1 фоизга ўсишини таъминлашда транспорт хизматлари ўсиши (фоиз ҳисобида)	2030 йилгача транспорт хизматларини ўсиши (марта)	Вилоятда автотранспорт корхоналари сони	2030 йилгача автотранспорт корхоналари сони ортиши
Йўловчи айланмаси	4,5	1,25	5,6	61	342
Юк айланмаси	4,5	1,0	4,5	41	185

Таҳлил мобайнида вилоятда транспорт хизматлари ривожланишига тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммо ва камчиликлар аниқланди. Улар қуйидагилар:

- транспорт воситаларига қўйиладиган ёқилғи ва газ нархи ошиши;
- автомобиль йўлларининг сифати пастлиги ҳамда таъмир талаб ҳолатга келиб қолганлиги;
- юк ташувчи автомобилларнинг эскириб қолганлиги ҳамда замонавий юк машиналарининг нархи жуда юқорилиги;
- музлаткичли юк машиналарининг етишмовчилиги сабабли минтақавий ва ҳалқаро бозорга экспорт товарларининг етказилишининг сустлашуви;
- “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясининг ички рейслар учун ўрнатилган чипта нархлари жуда юқорилиги;
- кўпчилик шаҳардан чекка ҳудудларда ҳалигача йўловчи ташиш маршрутларининг йўлга қўйилмаганлиги;
- йўловчи ташиш билан шуғулланувчи автотранспорт воситаларига мажбурий ўрнатилиши лозим бўлган таксометрлар нархи жуда юқорилиги;
- йўловчи ташиш билан шуғулланувчи автотранспорт воситаларида пластик карточкалардан тўловни амалга оширувчи терминалларнинг йўқлиги;
- бозор ҳудудида йўловчи ташиш билан шуғулланувчи автотранспорт воситалари учун алоҳида тўхташ жойларининг мавжуд эмаслиги.

Хулоса ва таклифлар

Таҳлил натижалари кўрсатадики, вилоят транспорт хизматлари соҳасида кейинги йилларда ҳукумат томонидан ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида юқори ривожланиш кўрсаткичларига эришилган. Аммо соҳада бир қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, уларни қуйидаги таклифлар орқали бартараф этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз:

- ёқилғи ва газ нархи ошаётганлиги сабабли электр токида ҳаракатланувчи транспорт воситалари сонини кўпайтириш;

- замонавий юк автомобилларини арзон кредит ставкаларида сотишни йўлга қўйиш;

- ички рейслар учун авиачипталар нархини хорижий валютага қарамликдан чиқариш ва арзонлаштириш;

- шаҳардан чекка ҳудудларда йўловчи ташиш инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш;

- бозор ҳудудида йўловчи ташиш билан шуғулланувчи транспорт воситалари учун инфратузилма яратиш орқали йўлларда вужудга келадиган тирбандликларнинг олдини олиш;

- йўловчи ташиш билан шуғулланувчи автотранспорт воситаларида пластик карточкалар орқали тўловни амалга оширувчи терминалларни ўрнатиш ва аҳолига қулайлик яратиш лозим.

Юқоридагиларни амалиётга татбиқ этиш истиқболда транспорт хизматларининг ҳажми ҳамда сифати ошишига замин яратади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, минтақада транспорт хизматларини ривожлантириш минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига энг асосийси, тадбиркорларнинг даромадлари ҳамда аҳоли турмуш фаровонлиги сифати ошишига кўмак беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига киришишдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқ. Тошкент, 2016 й. 8 сентябрь. - www.gov.uz

2. Володин, Е.П. Организация и планирование перевозок пассажиров автомобильным транспортом / Е. П. Володин, Н. Н. Громов. – М.: Транспорт, 1982. – 224 с.

3. Муаллифлар жамоаси. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Профессорлар М.Қ.Пардаев ва Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида - Т.: Иқтисод-молия, 2008. - 194 б.

4. Абдуллаев И.С. Минтақавий иқтисодий тизимни оптимал тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори диссертацияси автореферати. – Тошкент: ТДИУ, 2017 йил.-66 бет.

5. Ирисбекова М.Н. Маркетинг тамойиллари асосида транспорт хизматлари бозорини оптималлаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори диссертацияси автореферати. – Тошкент: ТДИУ, 2017 йил.-84 бет.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

7. Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси. – Тошкент, 2014.

8. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

9. Хоразм вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

10. The World Bank; World Development Indicators. - <http://data.worldbank.org/indicato>